O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
CHIRCHIQ SHAHAR
HOKIMI

ХОКИМ
ГОРОДА ЧИРЧИКА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТОН

QAROR
РЕШЕНИЕ

2017 yil "01" 12 1129-son Chirchiq shahri

Чирчиқ шаҳрида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ойлиги"ни ўтказиш тўғрисида

Жорий йилнинг 15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик, бу борада амалга оширилган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида" ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 27 ноябрдаги 715-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Шаҳар ҳудудида жорий йилнинг 27 ноябрь кунидан 27 декабрь кунига қадар "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак" шиори остида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси на жиноятчиликка қарши курашиш ойлиги" ўтказилсин.
3. Шаҳарда "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак" шиори остида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ойлигини ўтказиш борасидаги ишларни ташкил этиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
4. Ўзбекистон Республикасп Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан "Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг чора-тадбирлар Дастури" (кейинги ўринларда - Дастур)да белгиланган тадбирларнинг ўз муддатида сифатли ижросини таъминлаш мақсадида шаҳарда криминоген вазият оғир бўлган маҳаллаларга шаҳардан бириктирилган масъуллар рўйхати 2-иловаларга мувофиқ;

Шаҳарда криминоген вазият оғир бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларига бириктирилган масъул раҳбарларнинг хизмат вазифалари 3-иловага мувофиқ;

шаҳар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича маҳаллага бириктирилган масъул ходимлар томонидан амалга оширилган ишлари юзасидан тақдим этиб бориладиган ҳисобот шакли 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шаҳар ҳокими ўринбосари (Ж.Маткаримов), шаҳар Ички Ишлар бўлими бошлиғи (Ш.Шермухамедов), шаҳар прокурори (Б.Ибрагимов), шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Исоқов):

Шаҳарда секторлар ва маҳаллалар кесимида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг рўйхати шакллантирилсин, мазкур шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказилиши;

жиноят содир этишга мойил, қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш, тезкор маълумотлар тўплаш мақсадида, ҳар бир маҳалла ҳудудида жойлашган биноларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик вакиллари, маҳалла посбонлари, кўча ва уй бошлиқлари, уй-жой ширкатлари вакиллари билан ҳамкорликда назорат ишларини ташкил этиш, ҳамда муқаддам содир этилган (фош этилмасдан қолган) жиноятларни очиш чоралари кўрилши;

жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ойлиги доирасида барча корхона, идора ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот учрашувлари ўтказилиши ташкил этилсин.

6. Шаҳар ҳокимлиги (Ж.Маткаримов):

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар Дастури асосида ишларни ташкил этиши;

“Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” шиори остида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ойлиги”ни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга кенг жамоатчилик ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг масъул раҳбарларини жалб этилиши;

аҳоли гавжум бўладиган жойларда жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ойлиги ўтказилаётганлиги ҳақида баннер ва плакатлар жойлаштирилиши ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аниқ мисоллар билан мунтазам ёритиб борилишини таъминлаши;

2017 йил 5 декабрь кунига қадар жиноятчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган барча шарт-шароитларни бартараф этишни ҳисобга олган ҳолда хар бир жиноят тури бўйича уларнинг барвақт олдини олиш юзасидан секторлар ва маҳаллалар кесимида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” дастури талаблари муддатларида босқичма-босқич амалга оширилишини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

7. Шаҳар ҳокими ўринбосари (Ж.Маткаримов), шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси (З.Миргазиева), шаҳар прокурори (Б.Ибрагимов), шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғи (Ш.Шермухамедов), шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Исоқов), “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди шаҳар бўлими (Ш.Ирисметова), шаҳар

“Нуроний” жамғармаси бошқаруви Кенгаши (Ғ.Туйев), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар Кенгаши (Р.Сайлиев):

ҳар бир маҳалла кесимида жамоатчилик назорати масканлари ташкил этилиши ва ушбу жойларда жамоатчилик вакилларини хизмат олиб бориши;

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ойлиги”га “Нуроний” жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи Кенгашлари ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари кенг жалб этилиши;

маҳалла фуқаролари йиғинлари биноларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот бурчаклари ташкил этилишини таъминлансин.

8. Шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари (Н.Рустамова) аниқланган рўйхат бўйича жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларнинг иш билан бандлик борасидаги муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрсин.

9. Жиноят ишлари бўйича шаҳар суди (С.Авлакулов), Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди (М.Абдувахобова), Маъмурий ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди (М.Абдурахимова) ва Иқтисодий ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди (А.Ибрагимова) Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг 2017 йил 24 июнь кунидаги РС-09-17-сон қарори асосида, кенг аҳоли қатламларини жалб этган ҳолда сайёр судлар ўтказилишини ташкиллаштирсин.

10. Шаҳар ишчи гуруҳи “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ойлиги”да фаол иштирок этган ички ишлар органлари ходимлари, кенг жамоатчилик, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ҳамда корхона, идора ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларини “Энг фаол ички ишлар органи ходими”, “Энг фаол жамоатчилик вакили”, “Энг фаол ёшлар иттифоқи ходими”, “Энг фаол хотин-қизлар қумитаси ходими” ва бошқа номинациялар бўйича белгиланган тартибда рағбатлантириш чораларини кўрсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини ташкиллаштириш шаҳар ҳокими ўринбосари Ж.Маткаримов, шаҳар прокурори Б.Иброхимов, шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиғи Ш.Шермухамедов, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Исоқов зиммасига юклатилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Шаҳар ҳокими **К.Б.Рашитов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ SHAHAR HOKIMLIGI DEVONXONA